

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида,  
раислик қилувчи, туман судининг раиси: С.Содиқов,  
халқ маслаҳатчилари: А.Мирахмедов ва Н.Есжановлардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси А.Алимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент авиация транспорт прокурори Ш.Мамаджанов, судланувчи А.Шодиев ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Ш.Ашраповаларнинг иштирокида, Шодиев Ақобир Ахроровичга нисбатан 1-1002-2401/896-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Шодиев Ақобир Ахрорович (Shodiyev Akobir Akhrorovich), 06.03.1984 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Чордара МФЙ, Зиёлилар кўчаси, 58-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва қўшимча гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Шодиев 2024 йил 5 октябрь куни, соат 10.30 ларда “И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти”нинг умумий учиб келиш залида “Нью Йорк-Тошкент” йўналишидаги НУ102-сонли рейс билан учиб келиб, божхона назоратининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланганида, унга тегишли қўл юклари ва багажлари инспектор-кинолог М.Усмановга бириктирилган “Френки” лақабли хизмат ити ёрдамида божхона назоратидан ўтказилганда, оқ рангли ва кулранг рангли чемоданлари ичида белгиланган тартибда божхона назоратига тақдим этилмаган “Marlboro 100’S” ёзувли тамаки қутисига “Marlboro” ёзувли сигарет кўринишидаги умумий оғирлиги тахминан 24 гр.га тенг бўлган 19 дона ўткир хидли ўтсимон модда, фолгага ўхшаш қоғозга ўралган ёзувлари бўлмаган шоколад кўринишидаги умумий оғирлиги



тахминан 111 гр.га тенг бўлган 2 дона ўткир хидли модда, оғирлиги тахминан 13 гр.га тенг бўлган 1 дона “СА” ёзувли шиша катридж ичида жигарранг рангли суюқлик борлиги аниқланиб, ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг Марказий божхона лабораториясининг 2024 йил 10 октябрдаги 481(24)-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасида 14 дона “Marlboro” ёзувли сигарет таркибида никотин ва “тетрагидроканнабинол” моддаси мавжудлиги, “тетрагидроканнабинол” моддасининг вазнини аниқлаш имкони бўлмаганлиги, 4 дона “Marlboro” ёзувли сигарет таркибида “марихуана” моддаси мавжудлиги, “марихуана” моддаси умумий вазни 2,0834 гр.ни, яъни кам миқдорни ташкил этганлиги, 1 дона “СА” ёзувли шиша ичидаги суюқлик таркибида “масло каннабиса (гашишное масло)” мавжудлиги, “масло каннабиса (гашишное масло)”нинг умумий вазни 0,76 граммни, яъни кўп миқдорни ташкил этганлиги, 2 дона шokolодларнинг вазни 50,88 гр. ва 54,26 гр.ни ташкил этганлиги, ушбу шokolодлар таркибида “тетрагидроканнабинол” моддаси мавжудлиги, “тетрагидроканнабинол” моддасининг вазнини аниқлаш имкони бўлмаганлиги аниқланган.

Судланувчи А.Шодиев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қуйидагиларни, яъни 2024 йил 5 октябрь куни, тахминан 10.00 ларда “И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти”га НУ102-сонли рейс билан “Нью-Йорк-Тошкент” йўналиши орқали учиб келганини, паспорт назоратидан ўтиб, ўз юқларини олиб, соат тахминан 10.30 ларда божхона чегарасининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланганини, божхона ходими ундан юқларини, яъни “қизил” рангли божхона идентификацияси лентаси билан ўралган оқ рангли чемоданини, рентген аппарати лентасига қўйишини сўраганида, алоҳида кўрик стойкасида унга тегишли юқларни божхона кўригидан ўтказганини, божхона кўриги натижасида унга тегишли бўлган 1 дона оқ рангли чемоданини ва 1 дона кулранг рангли чемоданини ичида божхона назоратига белгиланган тартибда тақдим этилмаган “Marlboro 100’S” ёзувли тамаки қутисида “Marlboro” ёзувли сигарет кўринишида ўтсимон, ўткир хидли модда – 19 дона, фольга шаклдаги қоғозга ўралган ҳеч қандай ёзувсиз шokolод кўринишида ўткир хидли номалум модда 2 дона, “СА” ёзувли шиша катридж ичида жигарранг рангли ёғли суюқлик 1 дона борлиги аниқланганини, божхона ходими уни алоҳида хонага таклиф қилиб икки холис иштирокида шахсий кўриқдан ўтказганини, шахсий кўрик натижасида ёнида божхона назоратидан яширилган бошқа ҳеч нарса аниқланмаганини, у АҚШнинг Филадельфия шаҳрига 12 йил олдин “грин карт” орқали учиб кетганини, оиласи Самарқанд шаҳрида яшаб турганига, Ўзбекистонга бир йилда икки маротаба меҳмонга келиб туришини, бу сафар тахминан 1 ойга келаётган бўлганини, шу сабаб Давлат исми ўртоғи у орқали почта



кўринишида 1 дона куртка ва 1 дона полиэтилен ўрамани олиб кетишни илтимос қилганини, буларни ичида совғалар борлигини тушунтириб, бу почтани унинг уйдан нотаниш шахс олиб кетишини тушунтирганини, Давлатни икки йил давомида таншини, почтани олиб кетишига 50 АҚШ доллари берганига почтасини олишга рози бўлганини, 4 октябрь куни Давлат уни Нью-Йорк аэропортига олиб кетиб почтасини бериб юборганини, лекин шу почтани, яъни 1 дона куртка ва 1 дона полиэтилен ўрамада нима борлигини кўрсатмаганини ва у ўзи ҳам ичини текширмаганини, у чегара божхона пости орқали ҳаракатланиш тартибини ва “кизил” ва “яшил” йўлакларнинг фарқига бормаслигини, жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёж учун товар-моддий бойликларни ва унда аниқланган моддаларга ўхшаш товарларни олиб кириш тартиби ва меъёрларини билмаслигини, сўнг божхонанинг хизмат хонасида икки холис иштирокида унга нисбатан “маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома” ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганини, унга жами умумий қиймати 2.000 АҚШ доллари доирасидаги жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб кириш меъёридаги шахсий буюмлари ва совға саломлари, болаларига кийим кечак ва озиқ-овқатлар, 1 дона соат, 1 дона куртка, болалар папкаси (рюкзак) 4 дона, 6 дона витамин, болаларга уйинчоқ, оёқ киймлар менга тўлиқ қайтарилиб берилганини, ҳозирги кунда қилмишидан пушаймонлигини, “Marlboro” ёзувли сигарет, фолгага ўхшаш қоғозга ўралган ёзувлари бўлмаган шоколад ва “СА” ёзувли шиша катриджлар таркибида гиёҳвандлик воситаси мавжудлигини билганлигини, уни оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Шодиевнинг айби ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари суд мажлисида сўроқ қилинган қўшимча гувоҳ С.Мусабекованинг ҳақиқатда мазкур жиноят иши юзасидан суд кимёвий экспертизасини ўтказганлигини, тадқиқот давомида экспертизага тақдим этилган 14 дона “Marlboro” ёзувли сигарет таркибида никотин ва “тетрагидроканнабинол” моддаси мавжудлиги, “тетрагидроканнабинол” моддасининг вазнини аниқлаш имкони бўлмаганлиги, 4 дона “Marlboro” ёзувли сигарет таркибида “марихуана” моддаси мавжудлиги, “марихуана” моддаси умумий вазни 2,0834 гр.ни, яъни кам миқдорни ташкил этганлиги, 1 дона “СА” ёзувли шиша ичидаги суюқлик таркибида “масло каннабиса (гашишное масло)” мавжудлиги, “масло каннабиса (гашишное масло)”нинг умумий вазни 0,76 граммни, яъни кўп миқдорни ташкил этганлиги, 2 дона шоколадларнинг вазни 50,88 гр. ва 54,26 гр.ни ташкил этганлиги, ушбу шоколадлар таркибида “тетрагидроканнабинол” моддаси мавжудлиги, “тетрагидроканнабинол” моддасининг вазнини аниқлаш имкони бўлмаганлиги аниқланганини, “СА” ёзувли шиша ичидаги суюқлик таркибида суюқликнинг ўзида “масло каннабиса (гашишное масло)”



мавжудлигини уни таркибидан “Масло каннабиси”ни ажратиб бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи А.Шодиевнинг айби суд мажлисига ҳозир бўлмаган ва тарафлар розилиги билан гувоҳ Б.Саитов, Қ.Каримов ва Б.Нурумовларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчи томонидан тўлиқ тасдиқланганлиги, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги “Тошкент-Аэро” ИБКнинг “Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти” чегара божхона пости томонидан терговга қадар текширув давомида тўпланган ҳужжатлар (и.в. 9-17), божхона кўмитаси марказий божхона лабораториясининг 2024 йил 10 октябрдаги 481(24)-сонли суд кимёвий экспертиза хулосаси (и.в. 40-45), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори (и.в.63-64), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят иши ҳужжатларидаги бошқа далиллар билан ўз исботини топади.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Шодиевнинг жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида инсонпарварлик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида одиллик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилна бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 3-бандида “жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони



енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради” деб тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Шодиевга жазо тури ва муддати тайинлашда унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, уч нафар фарзанди борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жазони бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, юқоридаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, яъни оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб эътироф этиб, юқоридаги Пленум қарорининг 37-бандидаги амалий тушунтиришларига риоя қилиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида назарда тутилмаган жарима жазосини тайинлашни ҳамда жаримани мазкур жиноят содир этилган вақтда ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдоридан ҳисоблашни лозим топади.

Шу билан бирга суд ҳайъати, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва сақлашлик учун Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга 21.11.2024 йилдаги 09517-сонли қвитанция орқали топширилган 2,0634 грамм “марихуана”, 0,74 грамм “каннабис мойи” (гашишное масло), 50,88 гр. ва 54,26 гр. таркибида тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган шоколадни йўқ қилишни бир дона дискни эса иш ҳужжатларида сақлашни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ҳамда ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Шодиев Ақобир Ахрорович (Shodiyev Akobir Akhrorovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин ва шу модда билан унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, 37.500.000 (ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин. Жарима давлат фойдасига ундирилсин.



Шодиев Ақобир Ахроровичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва сақлашлик учун Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга 21.11.2024 йилдаги 09517-сонли қвитанция орқали топширилган 2,0634 грамм “марихуана”, 0,74 грамм “каннабис мойи” (гашишное масло), 50,88 гр. ва 54,26 гр. таркибида тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган шоколад ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин

Жиноят иши юзасидагн ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши, ҳукм қонуний кучга киргач кассация шикояти ва протест берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:** (имзо) **С.Содиков**

**Халқ маслаҳатчилари:** (имзо) **А.Мирахмедов**

(имзо) **Н.Есжанов**

аслига тўғри

